Ушбу сонда:

2 *Хат ва ҳаёт* АЛИМЕНТ ТЎЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАГАНЛАР

3 TV-дастур

4 *Янги номлар* ЮЛДУЗЛАР МАНГУ ПОРЛАЙДИ



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 20 февраль, сешанба №28 (1042)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МАРҲАМАТ, АТЛАНТАГАЧА УЧИНГ!

АҚШ савдо ва тараққиёт агентлиги «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига 485 минг долларлик грант ажратишга қарор қилди. Бу маблағ авиакомпаниямиз билан АҚШнинг турли компаниялари ўртасида бир неча йўналишдаги ҳамкорликни молиялаш ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган.

Грантни топшириш тўғрисидаги ҳужжатни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Бош директори А.Рўзметов ва АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ж.Хёрбст имзолади.

Шунингдек, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» АҚШнинг «Делта» авиакомпанияси билан ҳамкорликни бошлади. Яқинда ўзбекистонлик йўловчилар Нью-Йоркдан ташқари, Атлантага ҳам тўғридан-тўғри учиш имкониятига эга бўлади.

Атланта қўналғаси АҚШдаги энг йирик беш аэропортдан бири бўлиб, йўловчилар у ердан АҚШ ва Канаданинг истаган шаҳрига осонгина етиб олиши мумкин. «Делта» авиакомпаниясига ҳам айнан Атлантада асос солинган. У билан ҳамкорлик самолётларга техник хизмат кўрсатиш, парвоз йўналишлари ва об-ҳаво ўзгаришлари ҳақида ахборот алмашишни ҳам кўзда тутади.

Элмурод ЮНУСОВ,
ЎзА мухбири

ТУТЗОРЛАР ҲАМИША КЕРАК

Сурхондарёда бугунги кунда 2668 гектар тутзорларда 15 миллион тупдан кўпроқ тут дарахти ўсмоқда. Тутларнинг шарофати ўлароқ сурхондарёлик пиллакорлар мавсум пайтида у қадар қийналишмаётир.

Шунга қарамай, вилоят пиллакорлари тутлар сонини янада кўпайтиришга ҳам жазм этишган. Улар бу йил яна бир миллион тупга яқин кўчат экишга аҳд қилишган. Кўчат экиш эса аллақачон бошлаб юборилди. Ҳозиргача 500 минг тупдан кўпроқ тут кўчати қадалди, натижада 6 гектар майдонда янги тутзор барпо этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 16 февралдаги мажлисида шу куннинг долзарб масалалари қаторида Қарши магистрал канали объектларини техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор бериш лозимлиги таъкидланди. Дарҳақиқат, бу мамлакатимиз, хусусан, воҳада қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

ВОҲАНИНГ ҚОН ТОМИРИ

Маълумки, Қарши магистрал канали ва насос станциялари нафақат республикамиз, балки Марказий Осиёдаги энг йирик гидроиншоотлардан саналади. 1973 йилда унинг биринчи агрегати ишга туширилди. Ҳозирги пайтда бу бош-қарма Амударё сувини 132 метр юқорига кўтариш қувватига эга бўган олтита насос станциясидан ташкил топган.

Бундан ташқари, 7-насос станцияси ҳам барпо этилган бўлиб, у 1,5 миллиард кубометр ҳажмли Талимаржон сув омборига обиҳаёт етказиб беради. У Қашқадарё вилоятининг Нишон, Ғузор, Косон, Муборак, У.Юсупов, Касби, Баҳористон, Қарши туманларини сув билан таъминлайди.

Биз бошқарма бошлиғи Бобоназар Ражабов ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Ёқубжон Мингбоевни тўла қувват билан ишлаётган 7-насос станциясида учратдик.

Айтмоқчи, бошқарма мироблари қурғоқчилик келган 2000 йилда ҳам тадбиркорлик кўрсатиб, воҳа деҳқонларига 4 миллиард 950 миллион кубометр сув етказиб берган эдилар. Айни пайтда ушбу жамоада 1450 нафар касаба уюшма аъзоси бўлиб, улар ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида самарали меҳнат қилмоқдалар.



Яна икки йилдан сўнг Амударё суви Қарши чўлига оқизила бошланганига 30 йил тўлади. Бу санани нишонлашга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Шунингдек, бошқарма маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ободонлаштириш, меҳнаткашларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш тадбирларини ҳам белгилаган.

— Ўтган йили ишчи-хизматчиларга 5 миллион 760 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, - дейди касабақўм раиси. — Ундан ташқари 90 кишига 220 минг сўм ёрдам пули берилди. 34 киши 100 минг сўмлик рағбатлантириш пули олди. 184 нафар ўғил-қиз қўмита ҳисобидан оромгоҳларга юборилди.

Бошланғич касаба уюшмалари эса 8 та ишлаб чиқариш жамоаларида ташкил этилган. Айниқса, 97-механизациялашган кўчма жамланма, ишлаб чиқаришни техник жиҳозлаш бошқармаси, Қарши кичик насос станцияларини ишлатиш корхонасида меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Улардаги касабақўмлар саъй-ҳаракатлари туфайли меҳнат фахрийлари И.К.Дуденко, А.Б. Гоголев, Я.Елкапов, Ш. Ибодовлар сиҳатгоҳларда бепул даволандилар.

Корхона илғорлари ҳақда гап кетганда 4-насос станциясининг бошлиғи, «Дўстлик» ордени нишондори Виктор Куракин, созловчи Николай Фогель, электрчи Володя Баталов, таъмирловчи Ялкаб Маллаев, оператор Валентина Павлова, ишчи Жангилой Бойманова номларини жамоадошлари ҳурмат билан тилга олишади.

Мазкур бошқарманинг кўмаги билан шаҳардаги 1300 нафар ўқувчи таълим оладиган Аҳмад Яссавий номидаги умумтаълим мактаби таъмирланди. Республика мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб 10 гектарлик боғ барпо этилди. Мавжуд 3 та болалар боғчаси керакли маҳсулотлар билан мунтазам таъминланмоқда. Касаба уюшмаси қўмитаси тасарруфидаги 400 ўринли Алишер Навоий номли маданият саройи аҳолининг кўнгилли дам олиш масканига айлантирилган. Муроджон Ҳазратқулов раҳбарлик қилаётган «Маржон» бадиий ҳаваскорлик ансамблининг репертуарлари бой ва қизиқарли. Ёш истеъдодлар Ўктам Очилов, Баҳтиёр Одинаев, Наташа Жуляевалар ҳар бир чиқишини меҳнаткашлар қизғин қарши оладилар.

Шу билан бирга «Алпомиш» спорт клуби, 3 минг ўринли ўйингоҳ, бир йўла 25 киши даволанадиган саломатлик маркази ишчи-хизматчилар ихтиёрида.

Дарвоқе, Бобоназар Ражабов бундан икки йил муқаддам Америка Қўшма Штатларида бўлиб, океан ортида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва экология соҳасида тўпланган тажрибаларни ўрганиб келди.

Ўтган йиллар мобайнида корхона бўйича насос агрегатларидан фойдаланишни такомиллаштириш, уларни таъмирлаш сифатини яхшилаш, электр қувватини иқтисод қилишга қаратилган 400 дан ортиқ ихтирочилик таклифлари киритилди ва ишлаб чиқаришга татбиқ этилди.



Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Бу ҳақда Республика Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

Шундай вазифалар борки, уларни ҳал этмасдан туриб, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаб бўлмайди. Хориж инвестициясини жалб этиш, қўшма корхоналар барпо қилиш, айниқса мамлакатимизга тўғридан-тўғри келаётган сармоялар тараққиётимиз учун сув ва ҳаводек зарурдир.

САРМОЯЛАР ОҚИМИ

ТАРАҚҚИЁТИМИЗ УЧУН СУВ ВА ҲАВОДЕК ЗАРУР

Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 16 февраль куни бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида хорижий ҳамкорлар билан қўшма корхона ташкил этилаётганда бутловчи қисмларнинг асосий қисмини ўзимизда ишлаб чиқаришга эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида уқтирди. Чунки, у янги иш ўринлари яратиш, валютани тежаш, четга қарамликдан қутилиш имконини беради. Мустақил Ўзбекистонимизда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш юзасидан катта имкониятлар мавжуд. Гап корхоналар йўналишини кескин ўзгартириб, уларни доимий равишда экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришга рағбатлантирадиган омилларни вужудга келтиришда қолган.

Мақсадга эришиш йўлларидан бири қўшма корхоналар очишдир. Бунинг аҳамиятини қуйидаги мисолларда кўриш мумкин. Пойтахтимизда ўзбек-швейцар-герман қўшма корхонаси - «Хобас-Тапо» фойдаланишга топширилди. У йилига 900 километргача қувурлар ишлаб чиқариш қувватига эга. Эътибор қилинг, Ўзбекистонга шундай қувурни келтириш долларга тушарди. Демак, бу нодир маҳсулотни энди ўзимизда кўплаб ишлаб чиқариш, қолаверса, хорижга экспорт қилиб, сармояга эга бўлиш мумкин.

Ёки «Зобит» Ўзбекистон-Малайзия қўшма корхонасини олайлик. Бу ерда дастлабки ойларданоқ иш юришди. Ўта сифатли, харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш таъминланди. Буюртмачилар билан тузилган шартнома ўтган йили 150 фоизга бажарилди. Мазкур қўшма корхонадан жамиятимизга, фуқароларимизга катта наф етди.

Бахтга қарши, Вазирлар Маҳкамаси мажлисида таъкидланганидек, бу борадаги ишлар кўп жойда ҳозирча қийинчилик, ниҳоятда секинлик билан амалга ошмоқда. Асосий сабаблардан бири баъзи ҳокимликлар, тегишли тармоқларнинг мутасадди раҳбарлари Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилги мажлисидаги қатъий огоҳлантиришдан ҳали-ҳануз тегишли хулоса чиқариб олмаганликларидир. Уларда омилкорлик, ташаббус ва изчиллик етишмаётир. Зеро, 2000 йилда ташкил этилган 152 та қўшма корхонанинг деярли ярми Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келганлиги ҳам кўп нарсани ойдинлаштириб турибди.

Сурхондарё вилоятида корхона, ташкилотларнинг бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олмасдан иш тутгани, харидоргир маҳсулот тайёрлашни йўлга қўя олмагани оқибатида омборларда катта миқдордаги моллар сотилмай ётибди. Боз устига, мавжуд 30 дан ортиқ қўшма корхонанинг 10 га яқини ишламаяпти. Баъзилари турли сабабларга кўра тугатилиш арафасида. Уларни қўшма корхона деб аташ мумкинми?

Фарғона вилоятида ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш, самарадорлигини ошириш, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасидаги ўзгаришлар жуда суст бораётгани сир эмас. Аҳолиси зич жойлашган ушбу вилоят учун ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг муҳим омилларидан бири ҳам саноатни бутун чоралар билан ривожлантиришдир. Аммо таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айрим корхоналар, ҳиссадорлик жамиятларида мулк шакли номигагина ўзгарган. Акцияларни сотиш ҳисобига корхоналарга замонавий технологияларни жорий этиш, янги иш ўринлари яратиш кўнгилдагидек бораяпти, деб бўлмайди. Айрим туманларда ҳанузгача қўшма корхона йўқ.

Сўнгги йилларда Сирдарё вилояти ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муайян ижобий ўзгаришлар рўй берди. Саноатнинг изчил ривожланишига ўзига хос замин яратилди. Саъй-ҳаракатлар шарофати ила эндиликда вилоятда ўнлаб йирик саноат корхоналари маҳсулот бермоқда. Эътиборлиси шуки, хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда 20 дан ортиқ қўшма корхона ташкил этилди. Қанчадан-қанча кишилар муқим иш билан таъминланди. Гулистон, Сирдарё, Янгиер шаҳарларининг, қатор туманларнинг марказлари қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Миллий меъморчилик анъаналарига асосланган замонавий бинолар воҳа кўркига кўрк қўшмоқда.

Маълумки, қўшма корхона деганда, ўзимиздаги мавжуд хомашёларни қайта ишлайдиган, туман, вилоят иқтисодиётини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшадиган корхоналарни тушунамиз. Бахтга қарши, Сирдарёдаги қўшма корхоналарнинг кўпчилиги худди шу талабга жавоб бермаётганлигини ҳаёт кўрсатмоқда. Мирзаобод, Ховос, Меҳнатобод, Шароф Рашидов туманларида бу хайрли ишга эндигина киришилаётганлигини изоҳлаш қийин. Ахир, хорижий инвестициялар жалб этилмаса, харидоргир маҳсулотлар чиқарадиган корхоналарга эга бўлинмаса, бундай туманнинг келажаги бўлмайди.

Қўшма корхона хориж ишончидир. Чет эллик тадбиркорлар, сармоядорлар мамлакатимиздаги осойишталик, тинчлик-хотиржамликни юксак қадрлаб, мустақил Ўзбекистон келажагини кўра билиб, ҳамкорлик қилишга бажонидил рози бўлмоқдалар. Ҳамма гап мутасадди раҳбарларнинг мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатиб ишлашларида қолган. Қўшма корхоналар ташкил этиш, экспорт салоҳиятини кучайтириш ҳозирги куннинг муҳим талабидир. Бу долзарб масалаларни ҳал этмай туриб, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш мумкин эмаслигини чуқур тушуниб етмоғимиз даркор.

М.ҚАЮМОВ.

«КАМОЛОТ»ГА МАДАДКОР БЎЛАЙЛИК

Таклиф, мулоҳаза

Биз — оловқалб ёшларнинг эзгу ниятлари жуда кўп. Муҳими, Ватан корига ярасак, ажойиб юртимизда рўй бераётган қувончли ўзгаришларда улушимиз бўлса, деймиз. Айни пайтда ўзимизни қўллаб-қувватлайдиган, орзу-интилишларимизни, манфаатларимизни қаттиқ туриб ёқлайдиган ўз ташкилотимиз бўлишини орзу қиламиз. Яширишнинг хожати йўқ, аввалги «Камолот» жамғармаси етарли даражада йигит ва қизларнинг етакчиси ва ҳимоячиси бўла олмади. Жамғарманинг энг катта камчиликларидан бири маънавий-маърифий ишларни унутиб қўйди. Бу қанчалик қимматга тушганлигини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатди.



Фикримча, ёшларнинг янги тузилажак ташкилоти йигит-қизларнинг талаб-истакларини инобатга олган ҳолда шаклланиши керак. У ташаббускор, юрагида яратиш иштёқи жўшиб турган ёшларни ўз теварагига бирлаштирадиган, муаммоларини ҳал эта оладиган, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига росмона кўмаклашадиган бўлиши керак. Шундагина обрўси бўлади, унга эргашувчилар кун сайин кўпаяди. Чунки бундай ташкилотни анча вақтдан буён орзиқиб кутяпмиз.

Яна бир фикр, ёшлар ташкилоти иқтисодий жиҳатдан бақувват, мустақил бўлиши даркор. Бозор шароитида бусиз иш юришмайди, кўзланган мақсадга эришилмайди. Билмадим, қанчалик тўғри, ҳар ҳолда бир ёш фермернинг юрагидаги гап шуки, йигит-қизлар ойлик маошининг, масалан, дейлик, бир фоизини шу ташкилот ҳисоб рақамига ўтказишса зап иш бўларди. Ҳар ҳолда ҳар биримиз ўз ташкилотимизни қўлимиздан келганича қўллаб-қувватлашимиз, садоқатимизни амалий фаолият орқали намоён қилишимиз керак.

«Ғалаба» ширкати ҳудудида «Орайлим» фермер хўжалигини ташкил этганмиз. Астойдил меҳнат ҳеч қачон изсиз қолмас экан. Ўтган йили пахта ва ғалладан юқори ҳосил етиштирдик. Даромад ҳам кўзланганидан зиёд бўлди. Ҳозир фермер хўжалигимиз ҳисоб рақамида 1 миллион сўмдан ортиқ маблағ бор.

Шахсий хўжалик аъзоларининг барчаси ёшлардир. Биз «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 60 минг сўм ажратишга қарор қилдик.

Йўлдош ҚУРМАМБЕКОВ,
фермер, Мирзачўл тумани.

«ГАШТАК» - ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Жиззах вилоятида Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб, фольклор жамоаларнинг анъанавий кўрик-танлови ўтказилди.

Унда вилоятнинг барча туманларида фаолият кўрсатаётган фольклор жамоалари қатнашиб, миллий урф-одатларимизни ўзида сингдирган ранг-баранг лапарларни ҳакамлар эътиборига ҳавола этди. Ғаллаорол туманининг «Гаштак» фольклор жамоаси танлов ғолиби деб топилди. Энди жамоа Тошкентда ўтадиган республика кўрик-танловида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

(ЎзА).

КОРХОНАНИНГ ШАРАФЛИ ЙЎЛИ

Республика кўзи ожизлар жамиятининг Сариосиё ўқув ишлаб чиқариш корхонаси ўттиз беш йиллик йўлни босиб ўтди. Дастлаб корхона ташкил этилган 1966 йилда ягона гилам тўқиш цехи мавжуд бўлиб, меҳнатга лаёқатли ногиронлар сони йигирма нафарга етмасди. Бугунга келиб учта цехда вилоят туманларидан келган 132 нафар кўзи ожизлар фойдали ишга жалб қилинган.

— Мустақиллик йилларида кўзи ожизларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш айниқса кучайди, - деди корхона раҳбари Шамсиддин Ҳожиев «Туркистон-пресс» мухбирига. - Ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида турар-жойлар, ётоқхоналар, маиший хизмат кўрсатиш нуқталари, клуб, мактаб қурилиб фойдаланишга топширилди. Эндиликда 2 та 20 хонали, 6 та якка тартибдаги, 3 та ётоқхонада кўзи ожизларнинг 225 нафари оила аъзолари билан хотиржам истиқомат қилишмоқда.

Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам шунга яраша. Бу борада жамоа республикадаги бошқа корхоналардан анча ўсиб кетган. Халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг ўзида 8 миллион сўмни ташкил этди. Шиша идишлар учун қопқоқ тайёрлайдиган цех ишга тушди. Денов, Олтинсой туманларидаги шароб ҳиссадорлик жамиятларига 5,3 миллион дона шиша қопқоқлар етказиб берилди. Маҳсулотнинг ана шу турига бўлган талаб ва буюртмалар бошқа савдо ташкилотларидан ҳам кўплаб тушмоқда.

Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир

Йилига 450 минг тонна аммиак селитраси, 270 минг тонна карбамид, 315 минг тонна аммоний сульфати, 72 минг тонна капролактам, 660 минг тонна кислота, 50 турга яқин халқ истеъмоли моллари...

Чирчиқ шаҳридаги «Электрокимёсаноат» корхонасининг кўрсаткичлари ана шундай.

ЯНГИЛИК ЯРАТУВЧИГА АЛОҲИДА МУКОФОТ

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун зарур хомашё ҳисобланган ушбу кимёвий моддалар Марказий Осиёнинг бошқа республикаларида ҳам ўз харидорларига эга.

Кимё саноати корхоналари инсон саломатлиги, атроф-муҳит учун зарарли тармоқлар сирасига киради. Шу боисдан ҳам жамоа шартномаси бандларида одамларга қулай иш ўринлари яратиб бериш, экологик, санитария ҳолатларини яхшилаш, хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилиш каби масалаларга алоҳида аҳамият берилган. Бирлашма касаба уюшма қўмитаси қошида ушбу шартларнинг бажарилиши устидан назорат олиб борувчи доимий комиссиялар ишлаб турибди.

Бу ерда амалга оширилаётган диққатга сазовор ишлардан бири — зарарли иш ўринларида меҳнат қилаётган кишиларнинг ойлик маошлари муттасил ошиб бораётганидир. Шунингдек, уларга ҳар куни сут маҳсулотлари бериб борилиши билан бирга тушлик овқат учун ҳам маблағ ажратилган.

Ўтган йил мобайнида ишчилар ва фарзандларининг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадларига 17 миллион 600 минг сўмлик маблағ сарфланди. «Оқтош» сиҳатгоҳида 936, бирлашма қошидаги профилакторийда 1220 нафардан ортиқ меҳнаткаш имтиёзли йўлланмалар олиб саломатлигини мустаҳкамлаб олди. Кези келганда, шифо масканлари замонавий ускуналар ҳамда малакали шифокорлар билан таъминланганлигин таъкидлашни истардим.

Ишловчиларнинг 910 нафар фарзанди болалар соғломлаштириш масканларида ҳордиқ чиқарди. Айтиш жоизки, касаба уюшма қўмитаси хайрия тадбирларида ҳам фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, ёзги таътил кунларида шаҳардаги «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларидан ўн икки нафари болалар оромгоҳларига жалб этилди.

Бирлашма цехларида меҳнат қилиб, бугунги кунда қарилик гаштини сураётган фахрийлар ҳам ижтимоий муҳофазага олинган. Байрамлар, муҳим саналар, тантаналарга таклиф этиладилар, мукофотлар билан тақдирланадилар. Профилакторийда навбати билан даволаниб, ҳордиқ чиқарадилар.

Бирлашмада жамоанинг фахрига айланган қариялар кўп. 15 ёшидан иш бошлаган Саттор Ёқубов оддий ишчиликдан цех бошлиғи лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтган Алексей Калинкин, меҳнат ва уруш фахрийси Ҳасан Мирзаянлар ҳозирда ҳам жамоат ишларида фаол қатнашиб келмоқдалар. Шунингдек, фахрийларнинг хонадонларидан хабар олиб туриш ҳам яхши анъанага айланган. Хасталикка чалинган қарияларга дори-дармон ва бошқа масалаларда кўмак берилади.

Бирлашмада ишлаб чиқариш илғорларининг меҳнатини қадрлаш масаласи ҳамиша диққат марказида. Қўшимча рағбатлантиришлар йўлга қўйилган. Айрим ускуналар эскириб, янгилари Россиядан олиб келиш имконияти энди яратилаётган бир вақтда ихтирочилар меҳнати муносиб қадрланмоқда. Рационализатор даражасида янгилик яратиб, айрим ускуналарга қайтадан жон киритаётган созловчи-чилангар Виктор Скляров олиб бораётган ишлар тежамкорликни таъминлаётган бўлса, смена бошлиқлари Умарали Собитов ва Нўъмон Шоносировларнинг тадбиркорликлари туфайли цехда иш тўхтаб қолишининг олди олинишига эришилмоқда. «Ҳурмат хиёбони», «Энг яхши касб эгаси», «Ўз касбининг моҳир устаси», «Меҳнат фахрийси», «Энг яхши ёш ишчи» деган фахрли номга сазовор бўлган кишиларга бир неча ойлик миқдорида пул мукофотлари бериб борилиши ҳам анъанага айланган. Кимлар унвонларга лойиқ, кимларга пул мукофотлари берилади? Бундай масалалар ҳам касабақўм қошида ташкил этилган комиссиялар хулосаси асосида ҳал этилади.

Яхши дам - меҳнатга ҳамдам, дейдилар. Оммавий-ташкилий ишлар комиссияси раиси, касабақўм раиси ўринбосари Хурифа Қосимхўжаева бошчилигида маданият саройида тез-тез оммавий тадбирлар ўтказиб турилиши айни муддао бўлмоқда. Бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари, спорт мусобақалари ташкил қилинади. «Чимён» спорт мажмуаси ишчилар ихтиёрида. Бу ерда ёшларнинг ўзлари танлаган спорт тури бўйича мусобақаларда қатнашишлари учун барча имкониятлар бор.

Бахтиёр АБДУЛЛАЕВ, бирлашма касаба уюшма қўмитаси раиси.

Касаба уюшма кадрлари ўқуви

Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси «Она ва бола» Давлат дастурини тармоқ касаба уюшмаларида бажарилишини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Хусусан, ёшларимизнинг Ватан равнақига қўшаётган ҳиссасини янада ошириш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар, халқ таълими, ҳуқуқ-тартибот, ўз-ўзини бошқариш органлари, хотин-қизлар қўмиталари вакиллари билан учрашув ҳамда суҳбатлар уюштириш одат тусига кирмоқда.

ИЛҒОР ТАЖРИБА КЎПЧИЛИК МУЛКИ

Марказий қўмита Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатган. Айниқса, «Меҳнат Қонуни» ва бошқа меъёрий ҳужжатларда қайд этилган нормативлар асосида соҳада меҳнат қилаётган аёлларга қўшимча таътиллар бериш, ишловчи оналарга туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллар кунини узайтириш, мактаб ёшигача бўлган фарзандлари бор кўп болалиларнинг ойлик маошлари сақланган ҳолда иш вақтини қисқартириш каби ҳимоя йўналишларида амалий фаолиятни таъминлашда юқоридаги вазирликлар билан имзоланган шартномалар қўл келмоқда.



Худди шу тадбирлар Марказий қўмитанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри тармоқ қўмиталари, ЎзФА бирлашган касаба уюшма қўмиталарининг ташкилий ишлар бўлими мудирлари, жамоатчилик асосидаги раис ўринбосарлари учун ташкил этилган ўқув семинарига асосий мавзу бўлди.

— Тармоқдаги кўп болали, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларини мактаб ошхоналарида бепул ёки имтиёзли равишда овқатлантиршни ташкил этиш каби масалаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлашга эришиш лозим, - деди Марказий қўмита раиси Зоиржон Қодиров. — Жорий йилда тузилган тадбирларимизда бунга алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, халқ таълими тизими муассасаларида ногирон, кўп болали ва кам таъминланган оилалар рўйхатини тузиб, уларга моддий ёрдам кўрсатишни мақсад қилганмиз. Бунда бизга вазирликларнинг кўмак бераётгани қувонарлидир.

Тўрт кун давом этган семинар машғулотларида иштирок этган Республика Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалиётга татбиқ этишда тизимдаги муассасалар маъмурияти ва касаба уюшма қўмиталари ўртасидаги ҳамкорлик имкониятлари хусусида тўхталди.

Семинар қатнашчилари ўқув жараёнида амалий тажрибалар билан ҳам танишдилар.

М. ЎРМОНБЕКОВА. И.ҲАСАНОВ олган сурат.

ОИЛА САЛОМАТ — АВЛОД БАРКАМОЛ

Чирчиқ шаҳрининг марказий шифохонасида ёрдамга муҳтож, кам таъминланган, фарзанд кўриш ёшидаги аёллар учун 10 та ўрин ажратилган. Бу ўринларга жойлаштирилган беморлар бепул даволанадилар.

— Шунингдек «Оналар ва болалар» йилида поликлиникаларимизда ҳам кам таъминланган, ёрдамга муҳтож аёллар учун ўтадан кундузги имтиёзли ўринлар хизмат кўрсатмоқда, - деди шаҳар марказий шифохонаси бош шифокори Соҳиб Давронов «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда. Шаҳар туғруқхонасида 25 ўринли қайта тиклаш мажмуи фаолият кўрсатяпти. Умуман тиббиётни ислоҳ қилиш борасидаги ҳар бир ишимиз оилалар саломатлигини сақлаб, баркамол авлод етишиб чиқишига қаратилган.

Чирчиқ шаҳрида 141 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Уларга хизмат кўрсатувчи барча тиббиёт муассасалари аҳоли истиқомат жойларига яқин жойлашган. Биргина муаммо Ўзбекистон кимё машинасозлиги корхонаси атрофида яшовчи аҳоли учун ҳам қулай тиббий шароит яратишдан иборат эди. Корхона маъмурияти билан келишиб, унинг шифохонаси шаҳар врачлик пунктига айлантирилди. Ҳозир бино тўлиқ таъмирдан чиқарилмоқда. Келгусида муассаса шаҳар аҳолисига ҳам хизмат қила бошлайди.

С.Давроновнинг таъкидлашича, шаҳар халқ таълими бўлими қошида Болалар тиббий, педагогик-психологик ташхис маркази ташкил этилган. «Соғлом авлод» йилида иш бошлаган бу марказда мактаб ёшига етган 2000 нафар бола тиббиёт кўригидан ўтказилди. Уларнинг 1239 нафарида турли касалликлар аниқланиб даволандилар.

— «Оналар ва болалар» йилида яна бир хайрли ишни амалга оширдик. Болалар шифохонаси қошидаги стоматология бўлимини қайта жиҳозлаб болалар стоматология поликлиникасига айлантирдик, - деди сўзининг охирида Соҳиб Давронов.

«Туркистон-пресс»

Ижтимоий ҳимоя

ШИФОКОРЛАР ДАМ ОЛИШ МАСКАНИДА

Олтинкўл тумани марказий шифохонаси маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, кўнгилли дам олишлари учун шароитлар яратишга қаратилган аниқ тадбирларни амалга оширмоқда.

Тизимда фаолият юритаётган 186 нафар шифокор ҳамда мингга яқин ҳамширалар аҳолига малакали хизмат кўрсатишмоқда. Шифо масканлари замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Ҳар бир бўлимда дам олиш, маънавият ва маърифат хоналари мавжуд. Ижтимоий ҳимояга ажратилаётган маблағ йил сайин ошиб бормоқда.

Ўтган йили ходимларнинг электр энергияси ва газ тўловлари учун 2 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Махсус кийимлар, керакли неъматлар ҳам вақтида муҳайё этилмоқда. Шу билан бирга, шифокорлар, уларнинг фарзандларини соғломлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти. Булоқбошидаги оромгоҳга истаган пайтда имтиёзли йўлланмалар олиш мумкин. Бош шифокор С.Бозоровнинг таъкидлашича, зарарли жойларда ишловчилар ҳамда меҳнат фахрийларига қисқа вақт ичида 21 та бепул йўлланма берилди. Ҳар йили ҳамширалар кўрик-танлови ўтказилаётганлиги ходимларда касбга бўлган қизиқишни янада оширмоқда, илғор тажрибалар оммалаштирилмоқда.

Зоиржон ШАХОБИДДИНОВ, «Ишонч» мухбири.

ЮҚОРИ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ

Навоий кон-металлургия комбинатининг «Дўстлик» агрофирмасига Исроил давлатининг «IEC» фирмаси технологияси ўрнатилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган янги цех кунига 10 тоннагача олма, ўрик, нок, помидор, бодринг каби маҳсулотларни қадоқлаш имкониятига эга. Шунингдек, бу ерда шиша идишлар ўрнига жаҳон андозаларига мос ихчам пакетчалардан фойдаланиб, мева ва сабзавот шарбатлари қадоқланмоқда. Улар жорий йилда шу цехнинг ўзидан 20 миллион сўмлик даромад қилишмоқчи.



«Астрафарм - КО» дори-дармон ишлаб чиқариш корхонаси Тошкент вилояти Келес шаҳри аҳолисига намунали хизмат кўрсатаётган жамоа сифатида танилган. Айни пайтда бу ерда ўттиз турдан зиёд маҳсулот тайёрланмоқда. Мазкур хусусий корхона раҳбари Р.Юнусхўжаевнинг таъкидлашича, аҳил жамоа фақат сифатли дори-дармон тайёрлаш билан шуғулланибгина қолмай, балки моддий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжмандларга баҳоли қудрат мурувват кўрсатишга ҳам ҳаракат қилаётир. Жорий йилнинг ўтган ойида вилоят Қизил ярим ой жамиятига 600 минг сўмлик маблағ ажратди. 11-мактабнинг 57 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларига эса 400 минг сўмлик кийим-бош туҳфа этди.

Суратларда: (чапда) корхона етакчи лаборанти Д.Бобоева; ўнгда эса илғор техник ходималардан Д.Жуманова, Д.Каримова ва Л.Тоироваларни кўриб турибсиз.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



Вилоят адлия бошқармаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси юзасидан бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Асосий эътибор ариза ва шикоятларни музкур қонун талабларига тўла риоя қилган ҳолда кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқароларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинишига йўл қўймаслик чораларини кўришга қаратилган.

АЛИМЕНТ ТЎЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАГАНЛАР

Ўтган йили адлия бошқармасига қонунчиликнинг бузилиши юзасидан 414 та шикоят ва аризалар келиб тушди.

Жиззах шаҳар ҳамда туман судлари биноларининг кўзга кўринарли жойларида Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, Адлия вазирлиги, вилоят суди, вилоят Адлия бошқармаси раҳбарларининг фуқароларни қабул қилиш жадваллари қўйилганлиги, шикоят ва аризалар девонхона томонидан рўйхатга олиниб, назорат-ҳисоб варақалари юритилаётгани бу борадаги фаолиятимизнинг самарасини таъминламоқда. Адлия ва суд идораларида фуқароларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш юзасидан услубий қўлланма барча туман судларига амалиётда фойдаланиш учун юборилган.

Келиб тушган ариза ва шикоятларнинг 36 фоизи тўла асосли, 28 фоизи қисман асосли, 37 фоизи эса асоссиз деб топилди.

Жиззах тумани ва Жиззах шаҳри, Бахмал туман судлари иш фаолиятлари устидан тушган шикоят ва аризалар кўпроқ ўз тасдиғини топмоқда.

Аризалар таҳлили яна шуни кўрсатадики, жами келган мурожаатларнинг 27 таси ходимлар хатти-ҳаракатлари устидан, 19 таси суд ҳукми ва қарорларининг ноқонунийлиги юзасидан, 328 таси ижро билан боғлиқ ҳолатлар, 7 таси нотариуслар, 3 таси ФҲДЁ ходимлари, 6 таси адвокатлар фаолияти билан боғлиқ идораларга тааллуқлидир.

Уларнинг асосий қисмини нафақа ундириш ҳақидаги суд қарорлари ижро қилинмаётганлиги тўғрисида бўлиб, бу туркум шикоятлар 279 тани ташкил қилади.

Текширувлар суд ижрочилари томонидан алимент ундириш ҳақидаги суд қарорларини ижро қилиш талаб даражасида эмаслигини кўрсатди. Бу алимент тўлашдан бўйин товлаётган шахслар орасида тегишли тушунтириш ишлари олиб бориш, ҳеч қаерда ишламай юрган алимент тўловчиларни маҳаллий ҳокимликлар, меҳнат биржалари, ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ишга жойлаштириш борасида амалий ишларни тақозо қилади.

Фуқаро Яхшигул Раҳимова адлия бошқармасига мурожаат қилиб, собиқ турмуш ўртоғи Ж.Раҳимовдан 5 нафар фарзандининг таъминоти учун алиментни 2 йилдан буён ололмай келаётганини билдириб, унга нисбатан чора кўришликни сўраган. Шикоятда келтирилган важлар тўлиқ тасдиқланиб, қарздордан 1998 йил апрелидан то 2000 йил июнига қадар алимент пуллари ундириб берилди. Баҳмал туман судининг суд ижрочиси С.Саъдуллаев ўз ишига совуққонлик билан қараганлиги, аввалги интизомий жазолардан хулоса чиқармаганлиги сабабли бошқарма ҳайъати қарори билан ўз вазифасидан озод этилди.

Фуқаро Саид Норбоев иш ҳақини ундириш ҳақидаги даъво аризаси Зарбдор туман суди томонидан қабул қилинмаётгани хусусида мурожаат қилган эди. Хизмат текширувида унинг келтирган важлари асосли эканлиги аниқланди.

Хат ва ҳаёт

Судья Н.Элчибоев ЎзРФПКнинг 152, 154-моддалари талабига зид равишда фуқаро С.Норбоев томонидан тақдим қилинган даъво аризани қайтариб юборган ва сансалорликка йўл қўйган. Ушбу ҳолат юзасидан судья Н.Элчибоевга бошқарма томонидан огоҳлантириш хати юборилди.

Шикоят ва аризаларни кўриб чиқишда ошкоралик принципига амал қилиш ўта муҳимдир. Шунга асосан ўтказилган текширишлар, кўрилган чораларни айбдор шахсларнинг иш, ўқиш, яшаш жойларида муҳокама қилиш амалиёти жорий этилмоқда. Бу ўз навбатида фуқароларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинишига йўл қўймаслик, уларнинг чекланган ҳуқуқларини тиклаш чораларини кўриш самарадорлигини оширишни таъминлаши шубҳасиз.

А.АҲМЕДОВ, Жиззах вилоят адлия бошқармаси шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш гуруҳи бош маслаҳатчиси.

МУНОСИБ СОВҒА

Андижон вилоятининг Бўз тумани марказида янги уч қаватли ёшлар қаҳвахонаси ишга тушди. Тумандаги маданият ва истироҳат боғида барпо этилган бу дам олиш масканини тадбиркор Фазилатхон ва Тошназар Турдиевлар ўз маблағлари ҳисобига қуриб битказдилар.

— Қаҳвахонани «Чарос» деб номладик. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 400 нафар мижозга хизмат қилиш имкониятига эгамиз, - деди «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда қаҳвахона раҳбари Тошназар ака Турдиев. - Мен ўнлаб хорижий мамлакатларда бўлганман. У ерлардаги биноларнинг ташқи ва ички меъморий безаклари бир-бирига асло ўхшамаслигига доимо ҳавас қилар эдим. Бизнинг маданий-маиший биноларимиз ҳам бири-биридан гўзал безаклар билан қурилишини истардим. Орзуим рўёбга чиқди. Қаҳвахона зали бетакрор гўзал сурат ҳамда ҳайкалчалар билан безатилди. Қўлларида камон ва ёй, соз ушлаган парвоздаги фариштa ҳайкалчалари бинога ўзгача кўриниш ва жозиба бахш этиб турибди.

Т.Турдиевнинг таъкидлашича, бино қурилишида акустикага алоҳида эътибор берилган. Зал ёнибўчиб турадиган турли рангдаги чироқлар билан безатилган. Овозни кучайтириб берадиган замонавий жиҳозлар билан таъминланган саҳна бор. Бу қулайликлар ёшларнинг қаҳвахонада турли маросимлар, йиғинлар, мусиқа кечаларини ўтказиб туришларида қўл келади.

Андижонликлар йил бошидан буён қаҳвахонада ҳосил байрами, туманнинг 50 йиллик тантаналари, корейс миллий маркази ташкил этган «Чинсен» байрамини ўтказдилар. Тошкентдан келган хонандаларнинг концерт дастурлари ҳам мазкур қаҳвахонада намойиш этилди.

TV дастури


20 - 25 феврал

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

СЕШАНБА, 20

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий дастур.
9.15 , 12.25 ТВ-метео.
9.20 Улуғ аждодларимизга эҳтиром. «Ал- Фарғоний». Ҳужжатли фильм («Ўзкинохроника»)
9.40 «Миллионлар ўйини».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 ТВ-1 кинотеатри. «Табор кўкка йўл олади», Бадиий фильм.
11.35 Болалар учун. «Ҳикматлар хазинаси».
11.55 ТВ -клип.
12.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
12.30 Футбол ХХ асрнинг сўнгги Европа чемпионати. Голландия-Дания.
14.10 «Маънавият» дастури.
15.05 Эстрада тароналари.
15.40 Кундузги сеанс «Дон -Кихотнинг фарзандлари». Бадиий фильм.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 Болалар учун. «Ёш юлдузлар».
18.30 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
18.40 «Солиқ ва назорат».
18.55 «Олтин мерос».
19.10 «Мулкдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.20, 22.35 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.



20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (Инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Навоийхонлик.
21.25 «Келин - куёв». Телешоу.
22.40 «Саҳна ҳаёти».
23.05 «Ахборот».
23.40 Тунги сеанс: «Авлиё Лука»нинг қайтиши». Бадиий фильм.
1.10-1.15 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси, «Шум болалар».
9.45 «Саломат бўлинг».
10.05 «Она билан бола - гул билан лола». Мусиқий дастур.
10.20 «Даллас». Телесериал.
11.05 «Ёшлар овози».
11.25, 14.30, 16.55 «Мусиқий лаҳзалар».
11.30 Болалар экрани. «Золушка учун уч ёнғоқ».
12.55 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
14.35 «Жан Кристоф». Телесериал.
15.30 «Баҳс».
15.50 «Колонна». Бадиий фильм. 1-қисм.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: «Билағон маслаҳати».
17.25 Мультфильм.
17.35 «Таянч».
17.50 «Ғазал соғинчи».
18.10 «Минг бир маслаҳат».
18.30 «Авторейд».
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 «Биринчи мўъжиза».
20.10 «Ёшлар овози».
20.25, 21.25, 22.30 Эълонлар.
20.30 «Жан Кристоф». Телесериал.
21.30 «Марду майдон».
21.50 «Олтин мерос».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.35 «Даллас». Телесериал.
23.20 «Давр». Ахборот дастури.
23.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: Снукер бўйича жаҳон чемпионати.
0.15-0.20 «Хайрли тун».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «ТВ плюс».
18.30, 20.00, 21.30, 23.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
19.35 «Эҳтиром ила».
20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.10, 22.25 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Дорихона эшитади».
22.45 ТТВда сериал: «Ўғрини ушла». 7-қисм.
24.00 Оҳанглар ва эълонлар.
00.05 Кинонигоҳ. «Рим Империясининг емирилиши». 2-қисм.
1.35-1.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.00-9.00

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мультчархпалак».
16.25 «Клип-антракт».
16.30 «Вести».
17.00 «Кутлуғ бахт тилаги-2». Сериал.
17.50 «Америкага назар».
18.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
18.45 «Махфий ҳужжатлар» (X-files) Сериал.
20.20 «Ўз-ўзига режиссёр».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.50 «Бизнес-ревю».
21.55 «Россия эстрадаси юлдузлари»: «Қойилмақом ўнлик». Концерт дастури.
22.40 Кинематограф. «Доктор ва унинг ҳамширалари». Бадиий фильм.
00.25 «Ахборот» (рус тилида)
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 21

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Созим — ҳамрозим». Мусиқий дастур.
9.15, 12.20 ТВ-метео.
9.20 «Санъат олами».
9.40 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Бухоро — ҳунармандлар шаҳри».
9.50 «Тиббиёт одимлари».
10.00, 12.00, 14.00 , 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ватанпарвар».
10.25 ТВ - 1 кинотеатри. «Пилигримм» кемасининг капитани». Бадиий фильм.
11.55 ТВ - клип.
12.05 «Камолот сари».
12.25 «Ишқ — сирли қўшиқ». Адабий - мусиқий композиция.
12.50 «Қизлар давраси».
14.10 «Мураббий». Спорт дастури.
14.25 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
14.50 «Рақслар гулдастаси».
15.10 Кундузги сеанс «Бурилиш». Бадиий фильм.
16.45 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
17.20 «Иқтисод ва биз».
17.30 Экранда — телесериал. «Индаба».
18.10 Болалар учун. «Мен дунёни кўряпман».
18.30 «Тилга эътибор».
18.45 «Бир наво истар кўнгил». Мусиқий дастур.
19.05 «Эл тинчлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма - юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига.** «Янги тароналар». Миллий эстрада қўшиқ ва куйлари Республика кўрик - танлови. 1-босқич.

«Умид» намойиш этади:

22.00 «Замонамизнинг ёш қаҳрамони».
22.10 «Сени шарафлайман, Озодлик!»
22.20 «Энг гуллаган ёшлик чоғимда».
22.40 «Олам». Телеальманах.
23.15 «Ахборот».
23.50 Тунги сеанс: «Эгнар чашмаси». Бадиий фильм.
1.15 - 1.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Билағон маслаҳати».
9.35 Мультфильм.
9.45 «Бизнес-академия».
10.00 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 33-қисм.
10.25 «Давр» - интервью.
10.40, 11.55 «Мусиқий лаҳзалар».
10.50 «Ёшлар овози».
11.10 «Даллас». Телесериал.
12.05 Болалар экрани. «Мафусаил».
13.55 «Биринчи мўъжиза».
14.15 «Жан Кристоф». Телесериал.
15.10 «Ғазал соғинчи».
15.30 «Таянч».
15.45 «Колонна». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.50 «Авторейд».
17.05 «Жараён».

* * *

17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
18.00 «Мени тушун...» Телеўйин.
18.25 «Бугуннинг ёшлари».
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Ракурс».
19.55, 20.35, 22.30 Эълонлар.
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Очил дастурхон».
20.25 «Муҳаббат қўшиқлари».
20.40 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Ерга ташриф».
21.30 «Сийрат».
21.50 «Олтин мерос».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Каталог».
22.40 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.45 «Даллас». Телесериал.
23.30 «Давр». Ахборот дастури.
23.45 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
1.15-1.20 «Хайрли тун».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.30, 20.00, 21.30, 23.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
19.35 «Эҳтиром ила».
20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.10, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
22.35 ТТВда сериал: «Ўғрини ушла». 8-қисм.
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Фирибгарлар найранги».
1.35-1.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.00-9.00

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
16.15 «Мультчархпалак».
16.30 «Вести».
17.00 «Кутлуғ бахт тилаги-2». Сериал.
17.50 «Британия кундалиги».
18.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
18.45 «Клип-антракт».
18.55 «Инсон ва қонун».
19.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.50 «Бизнес-ревю».
22.15 «X-спорт».



22.35 Кинематограф. «Филадельфия тажрибаси». Бадиий фильм.
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин».

ПАЙШАНБА, 22

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Мусиқа ва театр».
9.15, 12.25 ТВ-метео.
9.20 «Шарқ табобати».
9.35 «Серғайрат кампир». Мульт-фильм.
9.45 «Бизга аталган кун». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.



10.05 «Талаб ва таклиф».
10.15 ТВ-1 кинотеатри. «Зўр ўтирибмиз». Бадиий фильм.
11.30 «Йил мактаби». Республика кўрик-танлови.
11.55.13.55 ТВ-анонс.
12.05 «Қалб сайёраси».
12.30 Жаҳон адабиёти дурдоналари. А. П. Чехов. «Қийшиқ ойна». Теленовелла.
13.20 «Олам». Телеальманах.
14.10 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
14.45 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
15.00 «Бинокор».
15.15 Кундузги сеанс. «Қора қисқичбақа чангалида». Бадиий фильм.
16.45 «Ўзбекистон бастакорлари». Ф. Олимов.
17.05 Экранда — телесериал. «Индаба».
17.30 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳ.
17.45 «Шеър ва шуур».
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.30 «Ҳамкорлик ришталари».
18.45 «Офарин» кўрик - танлови олдидан.
18.55 «Баркамол авлод орзуси».
19.10 «Ватан мадҳи». Мусиқий дастур.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40, 22.25 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Миллий манфаат».
21.45 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
22.30 «Сийрат».
23.20 «Ахборот».
23.55 Тунги сеанс: «Бу ранг-баранг олам». Бадиий фильм.
1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
9.35, 11.15, 13.35 Мусиқий лаҳзалар.
9.45 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 34-қисм.
10.10 «Ўзбегим кураши».
10.30 «Даллас». Телесериал.
11.25 «Сийрат».
11.45 «Бугуннинг ёшлари».
12.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
13.45 «Сенинг вақтинг».
14.05 «Спорт қитъаси».
14.35 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
15.05 «Есения». Бадиий фильм. 1-қисм.
16.20 «Мақом» ансамбли хонандалари куйлайди.
16.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Снукер бўйича жаҳон чемпионати.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус», «Болалар учун концерт».
18.00 «Табобат оламида».
18.20 «Мутойиба».
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 Валижон Қодиров куйлайди.
20.05 «Ёшлар овози».
20.25, 21.25, 22.30 Эълонлар.
20.30 «Жан Кристоф». Телесериал.
21.30 «Мезон».
21.50 «Олтин мерос».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.35 «Даллас». Телесериал.
23.20 «Давр». Ахборот дастури.
23.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
1.05-1.10 «Хайрли тун!».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Митти юлдузлар».
18.30, 20.00, 21.30, 23.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
19.35 «Эҳтиром ила».
20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.10, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
22.15 «Спорт оламида».
22.35 ТТВда сериал: «Ўғрини ушла». 9-қисм.
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Шамолларда қолган ҳисларим». 1-қисм.
1.30-1.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.00-9.00

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мультчархпалак».
16.25 «Клип-антракт».
16.30 «Вести».
17.00 «Кутлуғ бахт тилаги-2». Сериал.
17.50 «Сизнинг адвокатингиз».
18.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
18.45 «Клип-антракт».
18.55 А. Гордон ва В. Соловьёв «Судлов жараёни» дастурида.
19.40 CFI тақдим этади: «Бетховеннинг 9 симфонияси».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.50 «Бизнес-ревю».
21.55 «Кино сайёраси».
22.20 Кинематограф. «Салом, холангизман». Бадиий фильм.
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда булсин».

ЖУМА, 23

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Най».
9.15, 12.25 ТВ-метео.
9.20 «Мурувват».
9.40 «Санъатга бахшида умр». Мусиқий дастур.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин».
10.15 Экранда — кинокомедия. «Мимино». Бадиий фильм.
11.45 «Шу кунлар шиддати».
12.05 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
12.30 ТВ -1 саҳнаси. Софокл. «Электра». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.

«Спорт» дастури:

14.10 «Спорт, спорт, спорт». Телешарҳ.
14.25 «Шатранж олами».
14.45 ТВ - клип.
14.55 Болалар учун. «Нурли келажак».
15.15 Кундузги сеанс. «Ўғил бола гап». Бадиий фильм.
16.45 «Умрбоқий қўшиқлар». Мусиқий дастур.
17.05 ТВ-анонс.
17.10 «Битик».
17.30 Экранда — телесериал. «Индаба».
18.10 «Зулфияхоним қизлари».
18.30 «Тазарру».
18.40 ТВ-клип.
18.45 «Омад қувончи». Телешоу.
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Тиббиёт одимлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «2001 йил Оналар ва болалар йили». «Меҳр нури ёғар доим».

Мусиқий дастур.

21.35 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
22.05 «Балли, раислар!». Телемусобақа.
23.05 «Олам». Телеальманах.
23.35 «Ахборот».
00.10 Саргузашт фильмлар экрани: «Халқа». Бадиий фильм.
1.40- 1.45 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус», «Болалар учун концерт».
9.50, 11.45, 13.25 «Мусиқий лаҳзалар».
10.00 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 35-қисм (якунловчи)
10.25 «Давр»-интервью.
10.40 «Минг бир маслаҳат».
11.00 «Даллас». Телесериал.
11.55 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
13.35 «Жан Кристоф». Телесериал.
14.30 «Мезон».
14.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 68-қисм.
15.35 «Есения». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.45 «Сўз сеҳри». Ўткир Сиддиқов.

* * *

17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик».
17.30 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
17.45 «Манзур».
18.05 «Автосалтанат».



18.20 «Олтин мерос».
18.30 «Одил сўз».
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 2001 — Оналар ва болалар йили. «Фарзандим — жигарбандим».
19.50 «Аср қиёфаси».
20.10 «Азизим».
20.35, 21.30, 22.30 Эълонлар.
20.40 «Жан Кристоф». Телесериал.
21.35 «Аскар мактублари».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
23.35 «Давр». Ахборот дастури.
23.50-0.00 «Мунаввар тонг истаб».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Мусиқий меҳмонхона».
18.30, 20.00, 21.30, 00.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
19.35 «Эҳтиром ила».
20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.10, 22.50 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Конституция ва биз».
22.25 «Ёшлар ҳудуди».
23.10 ТТВда сериал: «Ўғрини ушла». 10-қисм.
00.25 Оҳанглар ва эълонлар.
00.30 Кинонигоҳ. «Шамолларда қолган ҳисларим». 2-қисм.
1.30-1.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.00-9.00

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
16.15 «Мультчархпалак».
16.30 «Вести».
17.00 «Кутлуғ бахт тилаги-2». Сериал.
17.50 «Вақт хазинасидан».
18.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.15 «Дурдаршан».
18.35 «Куйлаётган аёл». Бадиий фильм.
19.40 «Мўъжизалар майдони».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.55 «Бизнес-ревю».
22.20 «Соккер-клуб».
22.40 «Клип-антракт».
22.45. Кинематограф. «Ракетачи». Бадиий фильм.
00.25 «Ахборот» (рус тилида)
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 24

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.50 «Янграсин шўх яллалар».
9.15, 12.05 ТВ-метео.
9.20 «Оқ қарқара». Мультфильм.
9.40 Телевизион миниатюралар театри.
10.00 «Ринг». Спорт дастури.
10.20 «Нотаниш дил суҳбати».
10.35 «Шинаванда бола».
«Тирик сайёра» кинодастури:
10.55 «Озод бургутлар парвози».
11.45 «Цирк! Цирк! Цирк!»
12.10 «Ҳаёт қомуси».
12.30 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дастур.
13.10 «Кўк қуш». Фильм - эртак.
14.45 «Дўстлик» видеоканали: 1.»Меҳрангез». 2.»Жетиген».

«Спорт» дастури:

15.05 «Бильярд - клуб».
15.30 Футбол. ХХ асрнинг сўнгги Европа чемпионати. Румыния — Португалия.
17.00 «Мўъжизалар майдончаси». Телевизион ўйин.
17.50 «Ранглар жилоси».
18.00 «Миттивойлар оиласи». Кинокўрсатув.
18.20 2001 йил — Оналар ва болалар йили. «Шарқнинг машҳур аёллари».
18.40 «Уйғоқ кунлар». Кинокўрсатув.
19.00 «Офарин» кўрик - танлови олдидан.
19.10 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Навоийхонлик».
21.20 «Даврани кенгроқ олинг». Мусиқий дастур.
21.45 «Шанба оқшомида».
1.«Оддий репортаж».
2. «Жаноб -бизнес».
3. «Ҳаммабоп мусиқа».
4. «Эслайсизми?»
5. «Жаҳон спорти».
6 «Дил дафтари».
7. «Ёшлар кўчасида».
8. Хулосалар.
23.20 «Ахборот».

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:

23.55 «Осилсанг баланд дорга осил». Бадиий фильм.
1.55-2.00 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик».
9.20 «Жаҳон жуғрофияси»: «Оловдан бино бўлган».
10.10 «Табобат оламида».
10.30 Мусиқий лаҳзалар.
10.40 «Ракурс».
11.00 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.



12.00 «Аср қиёфаси».
12.20 «Вилоят ёш хонандалари куйлайди».
12.35 «Рамаяна». Телесериал.
13.10 «Мени тушун» Телеўйин.
13.35 «ТВ-саёҳат».
13.55 «Қонун ҳимоясида».
14.15 «Жан Кристоф». Телесериал.
15.05 «Эрта сўнган юлдузлар».
15.25 «Очун».
15.50 «Синфдош».
16.15 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
16.55 «Тарона-2001» тақдимоти.

* * *

17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
17.35 Мультфильм.
17.55 «Бола тилидан».
18.25 «Наврўз оҳанглари». «Бойсун» («Ўзбектелефильм»)
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Каталог».
19.45 «Бизнес-академия».
20.00 «Мусиқий лаҳзалар».
20.05 «Ҳайрат».
20.25, 21.05, 23.00 Эълонлар.
20.30 «Рамаяна». Телесериал.
21.10 «Кутилмаган меҳмон».
21.30 «Футбол плюс»
21.50 «Олтин мерос».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.40 «Кинотақдим».
23.05 Шанба экрани. «Нажот кемаси». Бадиий фильм.
00.35 «Дирижабл».
00.55-1.00 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.30 «ТТВ плюс юлдузлар».
18.50 «Бу ҳам кино». Телесериал. 9-қисм.
19.15 «Эҳтиром ила».
19.45, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.
20.05 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Сериал.
21.30 «Дурдона».
21.45 «Аёл - она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
22.05 «Спорт-тайм».
22.25 Оҳанглар ва эълонлар.
22.30 Кинонигоҳ. «Шамолларда қолган ҳисларим». 3-қисм.
00.30-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Инглиз тили Сиз учун».
9.25 «Кино сайёраси».
9.50 «Дурдаршан».
10.10 «Смак».
10.30 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».
11.10 «Экран зийнати ва қиймати».
11.35 «7 дан 70 гача».
12.05 Кундузги сеанс: «Атлантида сардорлари». Бадиий фильм.
13.35 Дўстлик видеоканали: «Умид», «Бизнен мерас», «Машриқ оҳанглари».
14.25-14.55 «Немис тили».

* * *

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Мультчархпалак».
17.25 «Интернет ҳудуди».
17.40 «Саёҳатлар олами».
17.55 CFI тақдим этади: «Денгиз афсонаси».
18.20 А. Фадеев «Ибтидо ва интиҳо». Кўрсатувни В. Вульф олиб боради.
19.10 Буюк изқуварлар: Коломбо.
21.00 «Время».
21.40 «Бизнес-ревю».
21.45 «Бугунги Корея».
22.00 «Биргаликда куйлаймиз» кўрсатуви саҳифаларидан.
22.40 Кинематограф. «Асосий воқеа». Бадиий фильм.
00.15 Ахборот (рус тилида)
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин».

ЯКШАНБА, 25

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.05 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.30 , 11.55 ТВ-метео.
9.35 «Ғаройибот».
9.50 «Инжиқ Мурод». Мультфильм.

«Умид» намойиш этади:

10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Яхши ният». Телелоторея.
11.35 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Фарзандим- дилбандим».
12.00 ТВ-анонс.
12.05 «Ажабсанда».
12.15 ТВ 1 кинотеатри: «Дунё». Бадиий фильм. 1-қисм (Ҳиндистон)
13.25 «Туҳфа». Мусиқий дастур.
13.50 «Мозийдан бир мўъжиза».



14.05 ТВ-клип.
14.10 «Дунё». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.35 «Менга сўз беринг!»
16.05 «Аския».

«Спорт» дастури.

16.35 Яккама -якка жанг. Каратэ.
16.55 «Спорт уик - энд».
17.15 ТВ -анонс.
17.25 «Алиса кўзгу орти ўлкасида». Мультфильм.
18.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.30 «Сўздан - созгача». Мусиқий дастур.
19.05 «Тўртинчи ҳокимият».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга». Мусиқий дам олиш дастури.
21.45 «Олам футболи».
22.15 ТВ-1 намойиш этади.

«Якшанба кинозали».

22.30 Кино янгиликлари.
22.40 Ойнаи жаҳон тақдимоти. «Бокиралик асри». Бадиий фильм премьераси.
00.50-00.55 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
9.20 Мультфильм.
9.40 «Футбол плюс».
10.00 «Ёшлар овози».
10.10 «Мусиқий лаҳзалар».
10.20 Болалар экрани. «Ёввойи оққушлар».
11.45 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. «Марду майдон», 2. «Аскар мактублари».
12.25 «Очил дастурхон».
12.40 «Мусиқий дастур».
13.00 «Рамаяна». Телесериал.
13.35 «Ҳандалак». Ҳажвий тележурнал.
13.55 «Надомат белгилари». Бадиий фильм.
15.25 «Бир пиёла чой устида»
15.45 «Спорт ҳафтаномаси».
16.00 «Дастхат».
16.20 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Ерга ташриф».
17.10 «Аму наволари».
17.30 «Азизим».
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Янги авлод» почтаси, «Уй вазифаси».
18.25 «Оби ҳаёт». Тележурнал.
18.45 «Наврўз қўшиқлари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр»-news.
19.15 «Бу мунис лаҳзалар» саҳифаларида.
19.45 «Якшанбада кўришгунча».
20.00 , 20.40, 22.40 Эълонлар.
20.05 «Рамаяна». Телесериал.
20.45 2000 йил ёш истеъдодлари учун «НИҲОЛ» мукофотини топшириш маросимидан ёзиб олинган дастур.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.45 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Орзу дарахти». Бадиий фильм.
0.15-0.20 «Хайрли тун».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Митти юлдузлар».
18.30 «Бу ҳам кино». Телесериал. 10-қисм.
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.
19.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.25 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Сериал.
21.10 «Эътиқод».
21.25 «Сиз соғинган наволар». Н. Ахмедова.
21.50 «Оналар дунёси».
22.15 Оҳанглар ва эълонлар.
22.20 Кинонигоҳ. «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон». 3, 4-қисмлар.
00.35-00.40 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Яхши кайфият». Дам олиш дастури.
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Ҳамма уйдалигида».
11.10 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.20 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
13.00 «Парле ву Франсэ?»
13.25 «Фан-тайм» (Болалар учун инглиз тили)
13.35-14.10 Дўстлик видеоканали: «Рангинкамон», «Дидар».
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Жонли табиат».
18.00 «Мультчархпалак».
18.20 «Дунё мамлакатлари».
18.40 «Тенгдошлар».
19.00 «Эксклюзив».
19.20 «Бизнес-ревю».
19.45 «Мюзик холл».
20.05 Патрик Суэйзи ва Деми Мур «Шарпа» фильмида.
22.30 «Клип-антракт».
22.40 Кинематограф: «Сувсизликдаги баликдек». Бадиий фильм.
00.00 «6х9» шоу программаси.
00.45 «Таҳлилнома» (рус тилида)
1.15 «Тунингиз осуда бўлсин».

ПАРИЖДАН КЕЛГАН ХУШХАБАР

ЮНЕСКОнинг номоддий меросни ўрганиш департаментидан хушхабар келди. Унда Ўзбекистон Бадиий академиясининг Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти қошида Марказий Осиё Минтақавий номоддий мерос марказини ташкил этиш ҳақидаги таклифи ЮНЕСКО томонидан маъқуллангани таъкидланган.

Бу таклиф Самарқандда ўтказилган халқаро симпозиумда киритилган эди. ЮНЕСКО ҳамкорлигида ўтган ушбу анжуман Марказий Осиё кулолчилигига бағишланиб, унинг асосий мавзуи ва йўналиши меъморий-кулолчилик санъати анъаналарини таҳлил этиш ҳамда муносиб баҳолашга қаратилган эди.

Анжуманда айниқса темурийлар даврида мавжуд бўлган ҳамда монументал санъат даражасига кўтарилган меъморчилик керамикаси шуҳратини қайта тиклаш масаласига катта аҳамият берилганди. Бу борада таниқли меъморлар, санъатшунос олимлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган эди. Жумладан, унда сўзга чиққанлар республикамизда халқ ҳунармандчилигига алоҳида эътибор қаратилаётгани, натижада монументал кулолчиликнинг қадимий анъаналари тикланибгина қолмай, янги технологик жараёнлар ҳам вужудга келаётгани, бир қанча лаборатория ва устахоналар фаолият кўрсатаётганини таъкидлаб, Марказий Осиё мамлакатлари учун жаҳон керамика усталари ишини мувофиқлаштириб турувчи минтақавий марказ ташкил этиш таклифини айтган эди.

Зеро, асрлар давомида ўз кўрки ва тароватини билан бутун жаҳонни лол қолдириб келаётган осмонўпар миноралар, мовий гумбазлар, нақшинкор кошинларда фойдаланилган айрим материалларнинг таркиби ҳамон сирлигича қолмоқда. Янги минтақавий марказ ташкил этилгач, қадимий меъмор ва усталар, кулоллар тажрибаси янада чуқурроқ ўрганилади ва оммалаштирилади. Қадимий анъаналар янги технология билан бойитилган ҳолда амалда жорий этилади. Бу эса тарихий меъморлик ёдгорликларини таъмирлаш, янги қурилиш иншоотларини безашда қўшни мамлакатлар мутахассис ва усталари билан янада кенгроқ ҳамкорлик қилишга имкон яратади.

Б.МАНСУРОВ, ЎзА мухбири.

«KRKA» ТАҚДИМОТИ

Словениянинг жаҳонга машҳур «KRKA» фармацевтик компанияси қарийб 40 йилдан буён Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиб келади. Унинг 65 хилдаги дори-дармони республикамиз Соғлиқни сақлаш вазирлигида рўйхатдан ўтказилган. Мазкур фирма ўтган йили «Бухородори-дармон» давлат акционерлик бирлашмасига 35 минг АҚШ доллари қийматида замонавий препаратларни етказиб берди.

Яқинда Бухоро шаҳрида ушбу компания ишлаб чиқара бошлаган ва ҳозирнинг ўзидаёқ тиббиётда кенг қўлланилаётган «Энап» препаратининг тақдимот маросими ўтказилди. Тадбирда компаниянинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси директори Б.Байт «KRKA»нинг дунё фармацевтикасида тутган ўрни ҳақида тўхталиб, ўз жамоаси янги препаратни Бухоро вилояти тиббиёт муассасаларига чекланмаган миқдорда етказиб беришга тайёр эканликлигини айтди. Қон босими ва юрак хасталикларини даволашда «Энап» препаратидан унумли фойдаланиш бўйича тавсиялар, маслаҳатлар берилди.

(ЎзА).

Нафсиламбрини айтганда, санъатнинг ўзи бир олам. Унинг заминида униб-ўсиш, унинг осмонида балқиш осанмас. Аммо шундай талант соҳиблари борки, улар нафақат эл суйган санъаткор бўлиб етишадилар, балки санъат самосида сўнмас ситорадек мангу зиё сочишади.

Наздимизда, Шерзод Остонов ҳам ана шундай юлдузлардан бири. У илк бор Навоий тоғ-кон металлургия комбинатининг Зарафшон, Учқудуқ, Зафаробод, Нурободдаги маданият муассасалари ҳамда вилоят марказидаги «Фарҳод» маданият саройидаги ёш иқтидорларнинг анъанавий кўригига айланиб қолган «Қизилқум садоси» конкурсида эл назарига тушган эди.

ЮЛДУЗЛАР МАНГУ ПОРЛАЙДИ

Муваффақиятли якунланган конкурсдан кейин сал фурсат ўтмай, вилоят маданият саройининг жонкуяр директори Николай Сисоевда янги бир ғоя туғилди. У ўз олдига навоийлик ёш хонанда ижросида катта концерт уюштиришни мақсад қилиб қўйди. Шерзод устозининг ишончини оқлади. Унинг Навоий шаҳридаги энг машҳур эстрада ва рақс даста-ларидан бири бўлган «Сонатлар» гуруҳи жўрлигида уч кун давом этган «Эҳтиром ила» деб номланган концерт дастури томошабинларнинг қизғин олқишларига сазовор бўлди.

Санъат оламидаги илк ғалабалар устозу шогирдни янги марралар сари илҳомлантирди. Натижада улар Могилёвда ўтказилган «Олтин шлягер» фестивалига юксак ишонч билан йўл олишди. Яна Шерзодга омад кулиб боқди. Бастакор Игорь Лученконинг «Мафтункор малагим» қўшиғини белорус тилида ижро этган навоийлик солистни унинг маҳоратига маҳлиё бўлган ҳакамлар диплом ҳамда Белорус Республикаси Бастакорлар уюшмасининг махсус совринига лойиқ топишди.

Республикамизнинг энг жарангдор ва тарҳи тоза овозларини кашф этган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танлови юксакликка интилаётган Шерзод Остонов учун навбатдаги пиллапоя бўлди. Унинг қўшиқларини тинглаган ҳакамлардан бири, ўзбек эстрадасининг порлоқ юлдузи Насиба Абдуллаева: «Мен кўпдан буён бундай ёрқин ва янгроқ овозни эшитмаган эдим», - дея ўз ҳайратини ифода этган эди. Ёш хонанданинг юксак нуфузли кўрик-танловда иккинчи ўринни эгаллаши эстрада юлдузининг сўзлари нечоғлик самимий ва ҳаққоний эканлигини исботлади.

Тошкентдаги ҳаяжонли дақиқалар мавжи сўнмай туриб уни Витебск шаҳрида ўтказиладиган «Славян бозори»га таклиф этишди. Европа эстрадасининг энг ёрқин юлдузлари ташриф буюрадиган мазкур анжуманга йўл олган Шерзод учун бирон-бир ўринни эгаллаш ёки қимматбаҳо совриндан ҳам янги саҳнада ва нотаниш тингловчиларга манзур бўладиган қўшиқни ижро этиш муҳимроқ эди. Бироқ, ҳакамлар яна уни махсус диплом ва дипломантлик унвони билан тақдирлашди. Машҳур қўшиқчилар ичида бешинчи ўринга кўтарилиш Шерзод учун катта ютуқ эди.

Бир пайтлар жуда машҳур бўлган Юрмала учрашувларини эслатадиган оммабоп эстрада қўшиқларини ижро этувчи ёшларнинг энг нуфузли «Ялта-2000» халқаро конкурсига биринчи бор Ўзбекистон вакилига «ташриф қоғози» келди. Омадни қарангки, бу бахт ҳам Шерзод Остоновга насиб этди.

Шерзод қуръа бўйича биринчи бўлиб уммон шовуллаши эшитилиб турадиган Қримдаги «Юбилейний» концерт зали саҳнасига чиқаркан, ўзидан кейин яна Европа минтақасининг 16 номзоди саҳнага кўтарилишини ва бу ўзига хос имтиҳон эканини ҳам унутиб, бор вужуди билан ёниб куйлади. Владимир Ивасюк мусиқаси ва «Джем» гуруҳи оранжировкасидаги украинча ва Фаррух Зокировнинг «Мажнунтол» қўшиғининг самовий жаранги томошабинларни ҳам, ҳакамлару матбуот ходимларини ҳам ҳайрат денгизига чўмишга мажбур этди.

Шерзод қаерда ва қандай саҳнада қўшиқ ижро этмасин, у, энг аввало, ўз тингловчиларига, оддий одамларга юксак эҳтиром билан қаради. Эҳтимол, шунинг учун ҳам Навоий шаҳрида намойиш этилган биринчи концертини «Эҳтиром ила» деб номлагандир. Буни нафақат унинг мухлислари, балки ҳакамлар ҳам, журналистлар ҳам бот-бот такрор айтишди.

Ялтадаги кўрик-танлов ғолиблари концертида сўнгги қўшиқни ижро этишдан олдин Шерзодни ғалаба билан муборакбод этган ҳакамлар ҳайъатининг раиси, украиналик таниқли бастакор ва хонанда Николай Мозговой: «Сенга биринчи ўринни бежиз беришмаган экан», - дея эътироф этди. Фақатгина иқтидорни тан оладиган Ялта саҳнасидан Шерзод Остонов нафақат тарихий «Ялта-2000» кўрик-танловининг ғолиби ва томошабинлар меҳрини қозонган хонанда, балки «Самсунг» мусиқа тўпламининг соҳиби ҳам бўлиб қайтди.

Шу ўринда яна бир нарсани қайд этиш лозим кўринади. Ҳар қандай қўшиқнинг қўш қаноти бор. Сермазмун сўзлар шодаси ва сержило куй вобасталигигина қўшиқни қанотлантиради. Шерзоднинг бахти шунда эдики, уни парвозга шайлаган «Фарҳод» маданият саройи директори Николай Сисоев, Ўзтелерадионинг эстрада-симфоник оркестри дирижёри ва бадиий раҳбари, республикада хизмат кўрсатган артист Алишер Икромов ҳамда иқтидорли шоир Иброҳим Жиянов билан қалин дўст эдилар. Муштарак мақсад йўлида бирлашган бу учлик Шерзоднинг профессионал санъаткор сифатида шаклланишида муҳим рол ўйнади.

— Мен жуда кўп одамлар олдида ўзимни бурчлиман, деб биламан, - дейди Шерзод биз билан суҳбатда. - Биринчи навбатда, Навоий тоғ-кон металлургия комбинати директори Николай Кучерский ва Юрий Паламарчук каби инсонларнинг санъатга бўлган муносабатини алоҳида эътироф этишим керак. Уларнинг санъат йўлидаги фидойилиги, на маблағ ва на-да вақтини аямагани ҳамда Николай Сисоевнинг жонкуярлиги туфайли мен энг юксак нуфузли халқаро конкурсларда иштирок этиш бахтига муяссар бўлдим.

Ана шундай маданият ҳомийлари кўмагида ўзбек ўғлонига Хитойда ўтказилган «Император Юань» халқаро фестивалидаги юз минг кишилик аудитория олдида қўшиқ куйлаш бахти насиб этди. Кечагина машҳур бастакор ва хонанда Владимир Ивасюк юрти Черновцада ўтказилган украин қўшиқларининг халқаро фестивалида муваффақият қозониб қайтган Шерзод Остоновнинг келгуси режалари билан қизиқдик.

— Ҳозир Болгарияда ўтказиладиган «Олтин Орфей», Польшадаги Сопот ҳамда Донецкдаги «Олтин Скиф» конкурсларига қизғин тайёргарлик кўраяпман. Шунингдек, 2001 йилнинг ёзида Қрим бўйлаб бўладиган концерт дастуримга ва Витебскда ўтказиладиган «Славян бозори» X халқаро фестивали учун янги қўшиқлар тайёрлаяпман.

Маданият саройи директори эса ҳали ишлар янада кўпайишини завқу шавқ билан таъкидлади. Чунки, шогирдининг ҳадемай биринчи аудиокассетаси чиқарилади. Пойтахтда намойиш қилинадиган Шерзод Остонов концерти ҳам ота-боладек бўлиб қолган устозу шогирддан ҳали кўп меҳнатни талаб қилади.

Навоийдан таралган наво борган сайин кўпроқ саҳналарда янграб, неча минг-минглаб қалбларни мафтун этмоқда. Бир мухлис сифатида унинг парвози янада юксакроқ бўлишини, санъат сеҳри, қўшиқ қувончи билан дилларга чуқурроқ кириб боришини тилаб қоламиз.


Наима ЖАББОРОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг етакчи мутахассиси,
Темир ҚУРБОН,
«Ишонч» мухбири.

Янги номлар

17-18 февраль кунлари пойтахтимизнинг Марказий ҳарбий спорт клуби залларида каратэ бўйича ёшлар ўртасида республика биринчилиги бўлиб ўтди. Унда барча вилоятлардан ташриф буюрган ўнлаб ёш спортчилар ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Суратларда: биринчилик баҳсларидан лавҳалар.

М.АМИН (ЎзА) олган суратлар.





Футбол

МУХЛИСЛАР КЎНГЛИДА УМИД УЧҚУНИ

Спортда, айниқса, миллионлар ўйини футболда ижобий натижалар тезда қўлга киритилмайди, саъй-ҳаракатлар ғалабалар кўринишида секин-аста бўй кўрсатади.

Исроил йиғини, МДҲ чемпионлари кубоги баҳслари ҳамда «Албена Мобилтел - 2001» халқаро турнирида қатнашиб, кетма-кет мағлубиятлар аламини чеккан футболчиларимиз, ниҳоят Озарбайжон ва Беларус терма жамоаларига қарши ўтказилган учрашувларда зафар қучдилар. Айниқса, вакилларимизнинг «ЖЧ -2002» саралаш баҳсларида Португалиядек юлдузлар терма жамоасини 2:1 ҳисобида доғда қолдирган беларуслик футболчиларни «таслим» этиши ўзбекистонлик миллионлаб мухлислар кўнглида яна умид нишоналарини пайдо этди.

Ўйинни ҳужумкорона руҳда бошлаган футболчиларимиз дастлабки дақиқадаёқ рақиб жамоа дарвозасини ишғол этишга муваффақ бўлдилар. Биринчи бўлим якунланиши арафасида эса ҳисоб 2:0 га етди.

Шу пайтга қадар ўнлаб номзод-футболчиларни турли чизиқларда синаб кўраётган россиялик мутахассис - бош мураббий В.Сальков, ниҳоят мақбулроқ таркибни аниқлаб олган кўринади. Россия ҳамда Украина клубларида ишончли тўп сураётган бир неча «чарм тўп» усталаримизнинг ҳам жалб этилиши, шубҳасиз терма жамоамизни кучайтиради, деган умиддамиз.

Аудиторларни тайёрлаш, ўқитиш ва сертификатлаш дастурига мувофиқ Термиз шаҳрида «Аудит-форвард-Т» ўқув маркази ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Айни пайтда бу ерда иқтисодиётимиз жонкуярлари ҳамда ўз касб маҳоратларини ошириш истагида юрганлар билганларини янада чуқурлаштирмоқдалар. Уларга тажрибали мутахассислар, олимлар сабоқ бермоқдалар.

МАҲОРАТНИ ОШИРГАН ЮТАДИ

Шайхонтоҳур туманида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласини ўрганишга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Тадбирда туман-даги барча мактаблар директорлари, уларнинг маънавият ва маърифат бўйича ўринбосарлари, мактабгача таълим-тарбия муассасаларининг раҳбарлари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар мазкур рисолада баён этилган ғоялар ёшларни миллий ва умумбашарий анъаналар, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, бу борада оила, боғча, мактаб ва бошқа ўқув масканларида тарбиявий ва маданий-маърифий ишлар узвийлиги ҳамда давомийлигини таъминлаш масалаларига тўхталдилар.

О.НОРБЕКОВ,
ЎзА мухбири

Матбуот анжумани

М.НОВИЦКИ: ЎЗБЕК КУРАШИ КЕЛАЖАГИГА ИШОНАМАН

Республика «Камолот» жамғармаси мажлислар залида польшалик меҳмонлар — спорт вазири М.Новицки ва кураш федерацияси президенти М.Бигошевски иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда Халқаро кураш ассоциацияси президенти К.Юсупов қатнашди.

- Мен бундан 4 йил аввал ўзбек кураши лаҳзалари акс эттирилган видео лавҳаларни томоша қила туриб, ҳайратда қолган, унинг келгусидаги юксак парвозига ўшандаёқ амин бўлгандим, - деди жумладан жаноб М.Новицки журналистлар саволларига жавоб берар экан. - Ўйлайманки, 2008 йилда Хитой пойтахти Пекинда ўтказилиши кутилаётган Олимпия ўйинлари дастуридан миллий кураш ҳам ўрин олади.

Дарҳақиқат, ўтган қисқа давр мобайнида юртимиздан анча олис Польшада ўзбек кураши катта ютуқларга эришди. Айни пайтда ўнлаб спорт клубларида юзлаб ёшлар кураш билан шуғулланмоқда. Уларнинг тахминан 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Дарвоқе, маҳоратли полвон Павел Маловичнени мамлакатимиз кураш ихлосмандлари яхши билишади. У кўплаб халқаро мусобақаларнинг доимий иштирокчиси. Декабр ойида Варшавада Европа чемпионати беллашувлари ўтказилишини эса ана шу муваффақиятлар зътирофи сифатида қабул қилиш мумкин.

К.ОЛЛОЁРОВ.

Таътил ташвишлари

ТАҲЛИЛ НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ?

Ҳадемай баҳор келади. Унинг ортидан ёз. Бу фаслда болаларимиз таътилга чиқадилар. Халқ донишмандлиги эртанги кунга бугун режа тузиш зарурлигини уқтиради. Мавсумни ўтказишда Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотларининг яхши тажрибага эга эканлигини «Соғлом авлод йили»да болаларни оромгоҳларга жалб этиш режасининг 104,1 фоизга адо этилгани ҳам кўрсатиб турибди.

Шундай бўлса-да, ўтган мавсумни чуқур таҳлил этиш, ундан тўғри хулосалар чиқариш, ютуқлар сири, қийинчиликлар сабабини аниқлаб олиш келгуси ишлар учун жуда зарурдир.

Мухбиримиз шу хусусда вилоят касаба уюшмалари Кенгаши меҳнаткашларни маънавий ривожлантириш, спорт ва ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Қодиржон **РИЗАЕВ** билан суҳбатлашди.

— Режага кўра, 28250 болани дам олдириш ва соғломлаштириш кўзда тутилган эди, - дейди суҳбатдошимиз. - Амалда кўзланганидан анча ортиқ - 29401 ўғил-қиз ҳордиқ чиқарди. Қолаверса, ўтган йили оромгоҳларда давр талабларидан келиб чиқиб, ёшларимизнинг маънавий камолоти ҳамда спорт-соғломлаштириш ишларига ҳар қачонгидан кўпроқ аҳамият берилди. Бу ишга соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият муассасаларини, жойлардаги «Маънавият ва маърифат» маркази ходимлари, қўйингки, саховатдан четда туришликни ўзига эп билмаган кўплаб ташкилотларни жалб этдик. Тадбирларимиз қизиқарли ва самарали ўтганидан ота-оналар ҳам, ўзимиз ҳам катта қониқиш ҳосил қилдик.

— Баъзи оилаларнинг ўз фарзандларини оромгоҳларга юбориш имкониятига эга эмасликлари шароитида бундай яхши натижаларга эришиш ўз-ўзидан бўлмагандир, албатта?

— Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш масканлари вилоятимизда 52 та. Улардан 28 таси шаҳар ташқарисида, мактаблар қошида ишлайдиган кундузгилари ҳам кўп. Булардан ташқари, санаторий типидаги ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари ҳам бор. Уларни тиклаш, таъмирлаш, мавсумга барвақт тайёрлашга ўз эгалари қачон киришишларини кутиб ўтирадиган бўлсак, фурсатни бой бериб қўйишимиз мумкин эди. Шунинг учун ҳам ташаббусни қўлга олдик. Бунда корхона, ширкат хўжаликлари ва ташкилотлар билан тузилган жамоа шартномалари қўл келди. Балиқчи туман ҳокимлиги болалар оромгоҳлари масаласида жамоа хўжаликларига, йирик корхоналарга, фермерларга, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаат билан чиққач, тумандаги икки йирик оромгоҳ бир ярим ҳафта ичида таъмирланиб, муддатидан бир ой олдин ишга тахт қилиб қўйилди. Бошқа туманларда ҳам шундай қилинди.

Иккинчи бир яхши ишимиз шу бўлдики, оромгоҳлар фаолиятини доимий назоратга олиш, уларда тарбиявий иштармоқларнинг оромгоҳларга доимий равишда ёрдам бериб туришларига эришилди. Чунончи, вилоят маданият ходимлари касаба уюшма қўмитаси ҳар бир оромгоҳда бир неча мартадан турли кўрик-танловлар уюштирди, бадиий дасталарнинг, «Ёшлар» ва «Қўғирчоқ» театрларининг чиқишларини ташкил этди, учрашувлар, кечалар ўтказди.

Бундан ташқари, оромгоҳлар ҳаётини ёритиб боришда маҳаллий радио, телевидение, матбуот органларини кенг жалб этганимиз ҳам оромгоҳларнинг жамоатчилик диққат марказида бўлишига ёрдам берди. Биз бу тажрибаларни «Оналар ва болалар» йилида янада кенгроқ жорий этмоқчимиз.

— Сиз ҳозир айтган гаплар бўлди, албатта. Таҳлил яна шуни кўрсатдики, оромгоҳлар ишини ташкил этишда бепарволикка, хотиржамликка йўл қўйган жойларимиз, айрим ташкилот раҳбарларининг ваъдасига ортиқ даражада ишониб, панд еган ҳолларимиз бўлди. Мисоллар келтираман: агросаноат мажмуи тизимидаги Ғафур Ғулом номли оромгоҳга ваъда қилинган каравотларнинг бир қисми вақтида етиб келмади. «Оромгоҳ», «Навбаҳор», «Бургутча» оромгоҳларини кийим илгичсиз, тумбочкасиз, оёқ кийими қўядиган мосламасиз очишга тўғри келди. «Бешариқ» оромгоҳида тухум, сут, ҳўл мева таъминотида узилишлар бўлиб турди, гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш ҳам баъзи болалар оромларнинг ҳаммаси таҳлилдан кейинги ижобий хулосалар, албатта...

— Билиб турибман, бултур ҳамма ишлар муддаодагидай бўлганмиди, ҳеч қандай камчиликка йўл қўйилмаганмиди, деб сўрамоқчисиз. Камчиликлар ҳар қандай ишда бўлади. Муҳими, улардан сабоқ олиб, келгусида бундай нуқсонларга йўл қўймаслик, ўтган йилги ютуқларимизни мустаҳкамлаш, ривожлантириш, оромгоҳларимизни янада обод, ёшларимиз учун қулай, жозибали даргоҳларга айлантиришдир. Бу борада ҳам ишончимиз комил.

— Ўтган йили оромгоҳларда болаларнинг овқатланиши, тиббий хизмат ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида вилоят касаба уюшмалари Кенгаши алоҳида ишчи гуруҳи тузди. Унга бевосита Кенгаш раисининг биринчи ўринбосари раҳбарлик қилди. Учинчидан, барча оромгоҳларида бир меъёрда бўлгани йўқ. Ишга жалб этилган айрим тарбиячиларнинг мафкуравий ва педагогик савияси давр талабларига тўла жавоб бера оладиган даражада бўлиб чиқмади. Кундузги болалар оромгоҳларида спорт-соғломлаштириш ишлари, маънавият ва қадриятимизга доир тадбирлар нисбатан кам ўтказилди, болаларга тиббий хизмат кўрсатишни ҳам қониқарли бўлди, деб айтолмайман.

Шундай қилиб, таҳлил бултур болаларни дам олдириш ва соғломлаштиришда қайси тажрибаларни ривожлантириш зарурлигини, камчиликлар такрорланмаслиги учун нималар қилиш кераклигини ойнадай равшан кўрсатиб берди. Демак, биз жамоа шартномаларига янада кўпроқ суяниб иш кўришимиз, талабчанликни бўшаштирмаслигимиз, мавсумга тайёргарлик ишларини икир-чикиригача ўрганиб чиқишимиз керак. Биз фақат оромгоҳ бошлиқлари ва ҳисобчиларинигина аттестациядан ўтказардик. Бу йил у ерда ишлайдиган тарбиячи ва тиббиёт ходимларини ҳам кўрикдан ўтказиш зарур деган хулосага келиб турибмиз.

«Оналар ва болалар» йилида ёш авлод ёзги таътилини ҳар томонлама яхши ўтказиш биздан катта масъулият ва ташаббускорликни талаб қилади. Болалар оромгоҳига эга бўлган корхона, хўжалик ва ташкилотлар билан тузиладиган 2001 йил жамоа шартномаларида ҳамма нарсани пухта-пишиқ акс эттиришга тўғри келади. Ўйлайманки, бултурги ишларимиз таҳлили 2001 йил мавсумини намунали ўтказишимизга катта ёрдам беради.

М.АБДУКАРИМОВ,
"Ишонч" мухбири

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳузуридаги Курортлар бошқармаси жамоаси бошқармаининг ташкилий ишлар бўлими мудири Обиджон Зуфаровга онаси **СОЖИДАХОН ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Миргиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар булимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.15

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2124.